

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
www.insonvaqonun.uz
www.insonvaqonun.adliya.uz


2018 йил 12 июнь
сешанба № 23 (1123)



БОНГ

БИР ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ БОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида маълум бўлишича, сув танқислиги сабабли шоли экиладиган майдонлар 162 мингдан 94 минг гектаргача қисқартирилади.



СУВ КАМАЙИБ БОРМОҚДА

ЕР юзининг 70 фоизи сув билан қоплангани ҳолда инсоният XXI асрга ичимлик суви танқислиги муаммоси билан кириб келди. Чунки мавжуд сувнинг 97,5 фоизи шўр, ичишга яроқсиз, фақат 2,5 фоизини ичимлик суви сифатида ишлатиш мумкин. Шунинг ҳам учдан икки қисми (!) муз ҳолатида, қолганини эса инсон нотўғри фойдаланиши оқибатида исроф қилмоқда.

Истеъмолчилик юқори шиддат билан ривожланиб бораётган замонавий дунёда ичимлик суви танқислиги масаласи нақадар муҳим ва жиддий эканини тушуниш мумкин. Инсониятнинг келажаги, яшаб қолиши бугунги авлоднинг суви муносабатига боғлиқ бўлиб турибди.

Сув танқислиги масаласи юртимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ўзбекистонда 2040 йилга келиб Амударё ва Сирдарёнинг сувлари камайиши оқибатида 33 фоизгача сув танқислиги муаммоси юзага келиши тахмин қилинмоқда. Бу узоқ муддатдан кейин келадиган хавф эмас, бугунги кунимизда рўй беришни бошлаган жараён дидир.

ВАЗИЯТНИ ЎЗГАРТИРИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида маълум бўлишича, сув танқислиги сабабли шоли экиладиган майдонлар 162 мингдан 94 минг гектаргача қисқартирилади.

“Шоли экиладиган майдонларни 162 минг гектардан 94 минг гектарга қисқартириш, сув таъминотида муаммо бўлмаган Сирдарё вилоятида 7,5 минг гектар ерни Хоразм вилояти фермерларига, Жиззах вилоятида 5,5 минг гектар ерни Қорақалпоғистон фермерларига такрорий экин сифатида шоли экиш учун бериш зарурлиги қайд этилди”, дейилади Президент матбуот хизматининг тадбирдан сўнг тарқатган хабарида.

Хабарда айтилишича, сув танқислиги қутилаётган Қашқадарё вилоятида такрорий экин майдонлари 30 минг гектарга, Самарқанд вилоятида 42 минг гектарга, Бухоро вилоятида 20 минг гектарга, Навоий вилоятида 14 минг гектарга ва Қорақалпоғистонда 10 минг гектарга камайтирилади.

Табиийки, бу қисқартиришлар биринчи бўлиб оддий аҳолининг турмушига, рўзгорига таъсир қилади: гуруч, мош ва бошқа дон маҳсулотларининг нархи ошади.

Аслида вазиятнинг ўзгариши кўп жиҳатдан ўз қўлимизда. Маълумотларга қўра, Ер юзиде ичишга яроқли сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалигига сарф бўлар экан, шунинг 60 фоизи нотўғри фойдаланиш, исроф натижасида бекор кетар экан. Тасаввур қилинганими? Яримдан кўп сув қишлоқ хўжалигиде исроф бўляпти.

Яна мутахассислар сувнинг ифлосланиши ҳам 90 фоиз қишлоқ хўжалигиде рўй беришини айтишяпти.

Кўриб турганингиздек, бугун оддий хушёрликни, фурсатни бой берсак, келажақда сув учун кўп нарсалардан воз кечишимизга тўғри келиши мумкин.

МУАММО ҲАЛИ БАРТАРАФ ЭТИЛМАГАН

Кейинги йилларда масъул ташкилот ва идоралар республикамизда сув танқислиги муаммоси билан жиддий шуғулланмоқда. Жойларда аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. ЎЗА агентлигининг хабар беришича, ҳозирги пайтда 69 та шаҳар, 335 та посёлка ва 2 902 та қишлоқ аҳоли пункти эҳтиёжлари ерости сувлари захиралари ҳисобига қондирилмоқда. Аммо бу муаммо тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ.

Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича қатор қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, муаммони бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки каби халқаро молия институтиларининг грант ва кредитларини жалб этиш ҳисобидан ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган кўп аҳоли пунктлари талабга жавоб берадиган ичимлик суви таъминоти билан қамраб олинди.

Шу билан бирга, айрим аҳоли пунктларини, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги аҳоли масканларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга оид қатор муаммолар ханузгача ҳал этилмагандан қолмоқда.

Давоми 3-бетда. ▶

“Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

ОБОД МАҲАЛЛАДАН РЕПОРТАЖ

ЮНУСОБОД ТУМАНИ:

ЮНУСОБОД ЯНАДА ОБОД!
БУГУН юртимизда маҳаллаларни обод қилиш, у ерда истиқомат қилаётган

фуқароларнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашлари учун шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифа-

ларидан бирига айланди. Буни юртимиз қишлоқ, овул ва маҳаллаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик, янгиланиш ва

ўзгаришларда ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, бу борада Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори дастуриламал бўлмоқда.

Давоми 2-бетда. ▶



“Мен
анилаган
ҳаёт
ҳақиқати”

Фақат миллий, халқона таълим-тарбия билан маънавият, ички маданият пайванд қилинсагина одамларни ҳар қандай пасткашлиқдан, тубанликдан асраб қолиши мумкин.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

БЎСТОНЛИҚ ТУМАН АДЛИЯ БЎЛИМИДА! ФЕРМЕР ХУРСАНДИ! ЧУНКИ УНГА ЕРИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ

ШАРИФ Абубакиров Бўстонлиқ туман ҳокимининг қарори билан 2015 йилда Паргос маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган захира ерлар таркибидан богдорчиликка ихтисослашган деҳқон хўжалигини юриштиш учун 40 гектар ер олади. Ушбу ҳудуд 2007 йилдан бундан ташландиқ ва қаровсиз ҳолда ётган эди. Қаҳрамонимиз бинолари харобага айланган, эски чўчкахона ва товўкхона фермалари бўлган мазкур жойда 500 тул мевали дарахт ва 3500 тул терак экади. Қарабсизки, ушбу маскан қисқа фурсатда обод, яқин уч-тўрт йил ичида серҳосил бог бўлиши мумкин бўлган масканга айланади.

Лекин 2017 йил 28 октябрда Бўстонлиқ туман ҳокими томонидан “Бўстонлиқ туман ҳокимининг 2015 йил 3 декабрдаги 1802-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида” қарор қабул қилинади. Мазкур қарорга қўра Шариф Абубакировдан деҳқон хўжалигига айлантирилган ер олиб қўйилиши керак. Фуқаро, албатта, бундан норози бўлди. Тошкент вилоят ҳокимининг қабулига мурожаат йўллади. Унинг муаммоси тегишлилиги бўйича Бўстонлиқ туман адлия бўлимига келиб тушди.

Адлия бўлими томонидан тезкорлик билан ҳолат ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, Шариф Абубакировга 2016 йилда ер участкасини топириш ва қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган, ер майдони чегаралари аниқланган ҳамда туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан гувоҳнома берилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган. Демак, фуқарода мазкур ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқи вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида эса қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ердан бир йил мобайнида фойдаланилмаган тақдирда ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқи бекор қилиниши белгиланган. Аммо фуқаро Шариф Абубакиров ушбу ер майдонидан айнан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдалангани кундек равшан.

Бўстонлиқ туман адлия бўлими Шариф Абубакировдан ер участкасини олиб қўйиш учун ҳеч қандай қонуний асослар мавжуд эмаслигини аниқлади. Бўлим томонидан Бўстонлиқ туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Қонунбузилиш бартараф этилди. Энди ўзи барпо этган богда қаҳрамонимиз яна деҳқончилик ишларини бошлаб юборади.

Одил ХОЛИҚОВ,
Бўстонлиқ туман адлия бўлими бошлиғи

АДЛИЯ ЁРДАМ БЕРДИ

КИЧИК ЛОҚАЙДЛИК КАТТА ФОЖИАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Биринчи ҳолат:

Автобус тирбанд. Қўлида оғир сумкалар билан автобусга кекса одам чиқади. У атрофга қарайди. Ёшлар бобога кўзи тушишдан чўчиган кўйи ерга, қўлидаги телефонига ёки китобларига қараб олишган. Бобо хўрсинади.

Иккинчи ҳолат:

Яна ўша автобус. Бобо оғир юклари билан автобусга чиқиб, атрофга қарайди. Шу ҳолатда ўриндиқларда ўтирган ёшлар бирдангина ўрнидан туриб жой беради. Бобо жилмаяди.

Одоб-ахлоқ миллий қадриятларимиз ўзаги.

Экранда титр:

Барча қадриятлар эзгулик туфайли барҳаётдир. Бизнинг барча қонунларимиз миллий қадриятларимиз асосида вужудга келади. Бош Қомусимиздаги барча моддаларга ҳам миллий қадриятларимиз асосдир.

ГАЗЕТА РОЛИГИ

АТ: “АСАКА БАНК” РАҲБАРИЯТИГА:

ШИОР ФАҚАТ КЎЗБЎЯМАЧИЛИК УЧУНМИ?

МАСАЛАГА адлия аралашди. Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманида яшовчи фуқаро Г.Мухаммадова адлия бошқармасига мурожаат қилди. АТ “Асака банк” Сирдарё вилоят филиали ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози фуқарога кредит ажратилди.

Г.Мухаммадова шу йилнинг март ойида банкка кредит ажратилишини сўраб, зарур ҳужжатларни топширган. Бироқ банк мутасаддилари фуқарога кредит ажратишни пайсалга солиб келишган. Ҳозирги кунда банк мутасаддилари “Қўлини кўксига қўйиб, мана кредит, олинг, биз сиз билан, сизга кўмаклашамиз”, деб ҳатто уйма-уй юрганларида бундай ҳолат қўлоққа бошқача эшитиларкан.

Адлия аралашуви билан чорвачиликни ривожлантириш учун 7 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан фуқаро томонидан сўралган 3 йил муддатга 7 500 000 сўми кредит ажратиладиган бўлди. Банкнинг кредит бўлими томонидан мурожаат ижобий ҳал қилинди.

Бироқ бу масала адлия идорасига етиб келмагунча ҳам ҳал бўлиши мумкин эди-ку? Фуқаронинг ишончини оқлаб, тез фурсатда кредит расмийлаштирилганда, Г.Мухаммадова улардан мамнун ҳолда идорани тарк этмасмиди? Еки “Келинг, кредит берамиз, эшикларимиз сиз учун очик”, деган чақириқ ва широлар фақатгина кўзбўямачилик учунми? Билмадигу, аммо “Епиғлик қозон, ёпиғликча қолади”, деганлар янгилашди. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотларноконуний ҳолатлар юз берганда, уларни бартараф этиш чораларини кўради. Фақатгина фуқаролар мурожаат этсалар кифоя.

Азизбек МАВЛОНОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

САРСОНГАРЧИЛИК

ЮНУСОБОД ТУМАНИ:

Энг аввало, одамларнинг кўнгли обод бўлиши керак. Шундагина бошқа муаммоларга ечим топилади



(Суратларда: маҳаллаларда ободонлаштириш ишларидан лавҳалар)

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ҳам “Обод маҳалла” дастури ижроси бўйича Адлия вазири Русланбек Давлетов раҳбарлигида ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Ҳозирда мазкур ишчи гуруҳлар томонидан тумандаги мавжуд 63 та маҳалладаги 6.870 та хонадон ва 85 та ижтимоий объектда 1.048 та муаммо ҳамда уй-жойга ута муҳтож бўлган 16 нафар фуқаро аниқланган.

Ишчи гуруҳлар вакиллари берган юқоридаги маълумотларни келтириб ўтиш осон. Биз ҳам бу билан қониқмадик. Мазкур тумандаги маҳаллаларда қандай ўзгаришлар бўлапти? Буни билиш учун маҳалла фаоллари ва у ерда истиқомат қилаётган фуқароларнинг гувоҳлигини эшитишни, ўзимиз ҳам кўриб ўзиб бўлишни касбимиз тақозоси, деб билдик.

ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛИШМОҚДА!
Чуқри ҳар бир кунда
битта муаммо ўрганилмоқда

Равшан ЮСУПОВ,
Тумандаги Мирзо Улуғбек
МФЙ раиси:

— Одатдаги иш кунларимизнинг бирида туман ҳокимлигида йиғилишга чақириб қолишди. Йиғилиши оқиб борган ҳоким туманда ишчи гуруҳ тузилган-

лиги, унинг аъзолари, уларнинг вазифалари ҳамда ишчи гуруҳ раҳбари билан таништирдик. Англадикки, мақсад битта, “Обод маҳалла” дастури доирасида тумандаги маҳаллаларни обод қилиш, боғ-роғлар яратиш, кўчаларни замонавий қиёфага келтириш, бир суз билан айтганда, туманда истиқомат қилаётган фуқароларнинг бугунги кундан рози бўлиб ашашларини таъминлаш.

Ишчи гуруҳ ўз ишини ўша кунлик бошлади. Гуруҳ аъзолари тумандаги маҳаллаларга бўлиниб, маҳалла фаоллари билан биргаликда, энг аввало, дастлабки ишни маҳалладаги кексалар ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдамга эҳтиёжманд оилаларга ёрдам қўлини чўзиш, фуқароларнинг муаммоларини ўрганишдан бошлади.

Тўғриси айтганда, маҳалла оқсоқоли сифатида ҳар доим хонадонларга кириб, фуқароларимизнинг муаммоларини ўрганиб, имкон қадар ёрдам бери келамиз. Лекин бир нарсани аниқ айтиш керакки, айрим муаммоларни ҳал қилишга қийналамиз. Аниқроқ айтганда, сўзимиз ўтмай қолади. Маҳалламизда ишчи гуруҳнинг иш бошлаганига кўп бўлмаган бўлмаса-да, бир-икки кун ичидан унга узоқ йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган масалаларни ҳал қилдик. Масалан, маҳалладаги хусусий гаражлар бу ерда истиқомат

қилаётган фуқаролар учун қўллаб-қўллашчиликлар тўғрисида. Биринчидан, маҳалладаги ички кўчаларнинг қиёфасини бўзиб турарди, иккинчидан, айрим фуқароларимиз томонидан гаражларнинг орасига ёки орасига ҳар хил чиқиндилар ташлаб кетиларди, учинчидан, маҳаллага ўт ўчирувчи ва тез тиббий ёрдам машиналарининг кириб чиқишига ҳалақит беради. Буни фуқароларимизга қанчалик тушунтирмайлик, бир неча йилдики унинг уйдасидан чиқолмай келаётган эдик. Бугун ишчи гуруҳ аъзоларининг ёрдами билан фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар олиб бориш самараси ўлароқ гаражлар олинди, ички йўллар кенгайтирилди.

Ишчи гуруҳнинг яна бир қувонарли ҳаракати шундаки, улар ҳар бир кунни одамларнинг алоҳида битта муаммосини ўрганишга бағишламоқда.

ҲАР КИМ ЎЗ ИШНИ БИЛИБ ҚИЛСА ЯХШИ-ДА!

Фатхулла ТОШПҮЛАТОВ,
Тумандаги Буюк турон
МФЙ раиси:

— Бизнинг маҳалламизда тўрт минг тўрт юз нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳалламизга ишчи гуруҳ вакиллари келганидан хурсанд бўлдик. Энг аввало, фуқароларимиздаги ай-

рим камчилик, дейимизи ёки нуқсонми дейлик, ҳар кунни хонадонлардан чиқарилган чиқиндиларни олиб кетиш учун Махсустрас автоматнаси келадиган Ҳар кунни деярли бир вақтда келадиган Махсустрас автоматнасини келиб кетгандан сўнг айрим фуқароларимиз чиқиндиларини олиб чиқиб қўйишади. Бу одамларимизда маданиятимизнинг пастлигини ҳайрон қоламан. Бундан ташқари, маҳалла томонидан қарздорликлар бўйича рўйхат шакллантирилган. Ўшбу рўйхат асосида қарздорлар нимадан қарзи бўлса оғохлантрилади, кўпчилиги шундан сўнг қарзларни тўлаб қўйишади, аммо шундай фуқароларимиз ҳам борки, уларнинг номи рўйхатда ҳар сафар ўқилса ҳам таъсир қилмайди, яъни қарзини тўламасдан келади.

Яна шу нарсани ҳам айтиб ўтиш жоизки, маҳалламизда долзарб бўлиб турган муаммоларнинг кўпчилиги ободонлаштириш бўлими, электр корхона ва уй-жой ширкати билан боғлиқ. Мазкур корхона ва идоралар масъуллари ўз ишига совуққонлик билан ёндашганлиги боис ҳам маҳалламизда айрим муаммолар анча вақтдан буён ўз ечимини топмай келмоқда. Бу ишчи гуруҳ билан маҳалладан, хонадонлардаги муаммолар ўрганилганда ҳам ўз исботини топмоқда. Агар ҳар ким ўз ишини билиб қилганда эди, муаммолар-

га ўрин қолмасди. Нима бўлганда ҳам ишчи гуруҳ вакиллари ҳаракатидан сўнг маҳалламизда ҳам, хонадонларда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар томонидан фуқароларнинг муаммоларини ўрганилиб, амалий кўмак ва ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда.

Ишчи гуруҳнинг ўзига хослиги шундаки, улар айнан фуқароларнинг кундалик ҳаётида дуч келадиган муаммоларга ечим топадиган вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлардан тузилганлигидир.

ҲАР БИР СОХАНИНГ ЎЗ ОДАМИ БЎЛАДИ

Дилшод СИДДИҚОВ,
Тумандаги Матонат
МФЙ раиси:

— Туманимизда Адлия вазири раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ ташкил этилган кун уларнинг вазифалари маҳаллаларни ободонлаштириш, у ерда истиқомат қилаётган фуқароларнинг дарадини тинглаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишда маҳалла фаолларига кўмак бериш эканлигини эшитиб тўғриси, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ўша куннинг ўзидаёқ маҳалладаги таъмирга муҳтож кўчалар, қурилиш лозим бўлган, аммо амалга оширилмай келинаётган болалар майдончалари, моддий, тиббий ёрдамга муҳтож фуқаролар, оилавий шароит-

ти оғир хонадонлар, хуллас, маҳалла ва фуқароларнинг мавжуд барча муаммоларини рўйхат қилдигу ишчи гуруҳнинг қўлига тутқазиб, ана шу масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам беришини сўрадик.

Шундан сўнг, ишчи гуруҳ вакиллари билан бирга, маҳалламизда истиқомат қилаётган тиббий кўрикка ва моддий ёрдамга муҳтож фуқароларнинг уйларига бирма-бир кириб, уларни рўйхатга олиб чиқдик. Кўпчилик фуқароларнинг муаммолари жойида ҳал этилди. Айримларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Нима бўлганда ҳам ҳар бир соҳанинг ўз одами бўлади-да, биз муаммосини ҳал этолмаган ёки ҳуқуқий тушунтириш беролмаган фуқароларимизга адлия, ички ишлар, солиқ, мудоффа органларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари асосли ва натижалли тушунтиришлар беришди.

Кунни кеча ишчи гуруҳ вакиллари билан биргаликда маҳалламиздаги кам таъминланган 15 та хонадонга Рамазон ойи муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилиб, уларга совға-саломлар улашилди. Бундан ташқари, идорамизга савоатпеша тадбиркорларимиз ҳам моддий ёрдамга муҳтож оилаларни сўраб келишмоқда.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири,
Гуллаё НУРМЕТОВА
олган суратлар.

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ:

бугун халққа, унинг дарду ташвишига яқин бораяпти

СУРХОНДАРЁ ҳамда Қашқадарё вилоятининг ҳар бир туманида адлия бўлимлари фаолият бошлади. Қисқа фурсат ичида адлия бўлимлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда, муаммоларини ҳал этишда, ҳуқуқий жиҳатдан кўмак беришда ва давлат органларини юридик нуқтаи назардан назорат қилишда маълум натижаларга эришилди. Энг муҳими, адлия бўлимлари бугун халққа, унинг дарду ташвишига яқин бораяпти.

Шухрат НАЗАРОВ,
Денов туман адлия бўлими бошлиғи:

— Аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари билан таништириш, уларда қонунларга нисбатан муносабатни, фирмни шакллантириш бугун энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Адлия органлари, жумладан, адлия бўлимларининг асосий мақсади, вазифаси ҳам, авваламбор, кенг оммага ҳуқуқий тушулчча беришдир. Туманларда адлия бўлимларининг ташкил этилиши одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошишига, турли муаммоларининг ҳал этилишига, бир суз билан айтганда, узоғи яқин, оғири енгил бўлишига хизмат қилади. Ана шу вазифаларни зиммамизга олган ҳолда бўлимимиз томонидан Денов туман фуқаролари ҳуқуқий манфаатларини кўзлаб иш олиб бораяпмиз. Ўтган яқин давр мубайнида республикамизнинг турли соҳалари бўйича янги қабул қилинган 1569 та қонун ҳужжатлари тумандаги 27 та давлат органлари ва ташкилотларига, 5 та ҳўжалик бошқаруви органларига,

7 та нодавлат нотижорат ташкилотларига, адвокатлик тузилмаларига электрон тарзда етказилди. Ўшбу қонун ҳужжатларини давлат органлари ва ташкилотларида, ҳўжалик бошқаруви органларида ижросини ташкил этилиши юзасидан мониторинг ўтказишни кўзда тутаяпмиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрочиларга етказиш мақсадида туман ҳокимлигида ҳар ҳафта ўтказиладиган “ҳокимлик соати”дан самарали фойдаланилмоқда. Унда асосан Адлия вазирлиги орқали юборилган брифинг материалларидан фойдаланиб, қонунлар моҳиятини аҳолига етказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятда ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилди. Денов туман ҳокимлигида ўрганиш олиб бориш жараёнида мурожаатларни кўриб чиқишда 70 га яқин қонунбузарлик ҳолати борлиги аниқланди, уларнинг 25 таси жойида бартараф этилди. Қолган ҳолатлар бўйича туман ҳокимига тақдимнома киритилди.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими Қоржов ЧОРИЕВ
тайёрлади.

Музаффар АБДУРАСУЛОВ,
Миришкор туман
адлия бўлими бошлиғи:

— Туманимизнинг энг чекка аҳоли пунктларида ҳам сайёр қабуллар, тарғибот тадбирларини ўтказиб, Президентимизнинг таъбири билан айтганда “Халқнинг розилиғи”ни олиштирилмоқда.

Яқинда адлия бўлими ташаббуси билан Миришкор туманининг олис “Чандир” қишлоғида нотариус, ФХДЁ ва Давлат хизматлари маркази билан ҳамкорликда сайёр тарғибот ва қабуллар ўтказиб, 4 нафар янги туғилган чақалоққа туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, 2 нафар оилага никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома сайёр тартибда топширилди, мерос ва бошқа масалаларда 2 та нотариал ҳаракатлар сайёр тартибда амалга оширилди.

Яна бир муҳим мақсадимиз эса туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назардан уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдир. Бу борада биз нафақат ҳуқуқий ҳужжатлар, балки норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлмаган қарорлар юзасидан ҳам ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бормоқдамиз.

С.АВУЛҲАЙЗИЕВ,
Миришкор тумани

— Миришкор тумани “Обод” қишлоғида яшайман. Анча пайтдан бери отамдан мерос бўлиб қолган уй-жойни кадастр томонидан ўлчата олмаётган эдим. Бунга сабаб фуқаро С.Адбиева бир қанча вақт мубайнида менга тегишли бўлган уйда ноқонуний яшаб келаяпти. Туманимизда адлия бўлими очилганини эшитиб, ушбу масалада ёрдам беришларини сўраб у ерга мурожаат қилдим. Бу масалада адлия бўлимига 22 май кунга ариза ёзган бўлсам, 23 майда мазкур мурожаатим дарҳол ўрганиб чиқилди. Туман ИИБ ҳамда туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ходимлари томонидан уйим 1 кун ичида ўлчовдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари тайёрлаб берилди.

Мурожаатим тез ҳал бўлганидан жуда хурсандман. Туманларда адлия бўлимлари ташкил этилгани чинданам фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратилганидан дарак беради. Энди турли масалаларда узоққа, вилоят марказига боришга ҳожат қолмади. Миришкор туман адлия бўлими ходимларидан миннатдорман!

“Инсон ва қонун” мухбири Мадҳия АБАЗОВА тайёрлади.

“Mercedes Bens 180”

**ДАВЛАТ
ФОЙДАСИГА
МУСОДАРА
ҚИЛИНДИ.**
Нера?

Қўши республика фуқароси А.А. бошқарувидagi “Mercedes Bens 180” русумли енгил машина белгиланган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кеңирилганда, ҳайдовчи ўриндиғи остидagi тўшма тағида қозоғга ўралган ҳолатда 0,7 гр. марихуана гиёҳвандлик моддаси яширилганлиги аниқланди.

Яқинда мазкур ҳолат юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда судланувчи гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилмаслигини баён қилган бўлса-да, Самарқанд вилоят суд тиббий экспертиза бюросининг хулосасига қура, А.А.нинг организмида тетрагидроканнабиноидлар (наша, марихуана) топилган.

Суд судланувчи А.А.нинг содир қилган жиноятини қасдан содир этилган оғир жиноят, деб ҳисоблаб, унинг муқаддам судланмаганлигини, оила-си, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини эътиборга олган ҳолда тегишли қарорни чиқарди.

Судланувчи А.А.га нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди ва Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқидан 10 йилга чекланди.

Унинг бошқарувидagi “Mercedes Bens 180” русумли машина эса давлат фойдасига мусодара қилинди ва топилган марихуана гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинди.

Самарқанд вилоят божхона бошқармаси Ахборот хизмати

**МАХСУС
ГУРУҲЛАРНИ
ТАМОМЛАГАНЛАР
ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИГА
ИШГА ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИМИ?**

АДЛИЯ БРИФИНГИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан 8 июнь куни Пойтахт бизнес марказида ташкил қилинган брифингда 2018 йил 5 июнда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори муҳокама этилди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили тахририятнинг қуйидаги савол-га жавоб берди:

— *Юқоридаги Қарорда ҳар бир олий таълим муассасасида 1-босқич даражасида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этилиши, ушбу гуруҳ талабалари магистратурага мақсадли равишда қабул қилиниб, уларни олий таълим муассасалари кафедраларида иш-лаш учун тайёрланиши белги-ланган. Бу гуруҳларда дарс жа-саи қандай олиб борилади?*

Мазкур гуруҳларни ва магистратурани тамомлаган талабалар бевосита олий таълим муассасалари кафедраларида ишга қабул қилинадими?

— Қарорда ушбу банднинг киритилишидан мақсад олий таълим муассасаларида ўқиётган талабалар орасидан алоҳида иқтидор эгаларини аниқлаб олишдир. Битта гуруҳга қабул қилинган талабаларнинг ҳаммасини ҳам бирдек иқтидорли, деб бўлмайди. Алоҳида гуруҳнинг саралаб

олиниши эса келажакда етук кадрлар етишиб чиқишига омил бўлади. Қарорга мувофиқ ушбу гуруҳ талабалари 2-босқичдан бошлаб алоҳида дастурлар асосида ўқитилади. Эътибор беринг, улар учун алоҳида ўқув дастурлари тузилиши маълум соҳада айнан шу гуруҳ талабаларини пухта, мукамал ўқитиш имконини беради. Бу тизимда олий таълим муассасалари учун жуда керакли бўлган билимли ва иқтидорли мутахас-

Саволга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Мадамин АРИПТЖАНОВ
жавоб берди.

ҲУҚУҚ САБОҚЛАРИ

БУНИ ҲАР БИРИМИЗ БИЛИШИМИЗ КЕРАК

Ҳар биримиз истеъмолчимиз. Истеъмолчи сифатида алданиб қолмаслик учун нима қилиш керак?

Муддати ўтган маҳсулотларни харид қилганда...

Масалан, муддати ўтган маҳсулотларни харид қилдингиз. Қандай чора кўриш мумкин? Маҳсулотни ташлаб юборасиз ёки алмаштириб беришларини сўраб, яна ўша савдо дўконига борасиз. Ёки ишларингиз кўп эди, харидга зўра вақт ажратдингиз, "арзиманган пул турса, бошқасини оларман", қабилида иш тутасизми? Хурматли харидор! Бу борада сизнинг ҳуқуқларингиз бор.

Ўзига зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилганда харидор, агар нуқсонлар сотувчи томонидан айтилмаган бўлса, ўзининг танлашига кўра сотувчидан (озик-овқат товарларига нисбатан харидор харид қилингандан кейин 24 соат мобайнида бундай ҳуқуққа эга бўлади):

- айнан шундай маркадаги (модел, артикул)даги товарга алмаштиришни;
- харид нархини тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда бошқа марка (модел, артикул)даги айнан шундай товарга алмаштиришни;
- харид нархи мутаносиб равишда қайтарилишни;
- товарнинг нуқсонлари дарҳол бепул бартараф этилишини;
- товарнинг нуқсонларини бартараф этиш харажатлари қопланишини талаб этишга ҳақлидир.

Бунда харидор зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилганлиги оқибатида ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.



Театр, концерт билетларини концерт томоша бошланмасдан олдин кассага қайтариш мумкинми?

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Шундай экан, истеъмолчи концерт томошалар бошланмасдан олдин чиптани қайтариш ҳуқуқига эгадир.



Пластик картадан икки марта пул ечиб олинганда кимга мурожаат қилиш керак?

Савдо дўконидасиз. Бир қўлингизда харид қилинган маҳсулотлар, бир қўлингиз билан телефонда гаплашасиз. Касса олдиндасиз. Сотувчи пластик картангиздан пул ечиб оляпти. Сўбатингиз қизгандан-қизиди. Сотувчи қўлингизга харид чекини тўтқазди. Хотиржам дўкондан чиқиб кетдингиз. Кечга бориб пластикангиздан икки марта пул ечиб олинганлигини sms хабарнома орқали билиб қолдингиз. Нима қиласиз? Тўғри, sms хабарнома ни ўша савдо дўкони сотувчисига олиб бориб баҳслашасиз, асабларингиз таранглашади. Пулингизни қайтариб оласиз. Бу жараённинг қонуний ечим қандай?

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида банк пластик картчалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектлари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади ҳамда улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.



Авиарейс бекор қилинганда истеъмолчининг қандай ҳуқуқлари бор?

Ҳаво лайнери ҳаракат жадвали авиакомпанияга боғлиқ сабабларга кўра ўзгартирилса, йўловчи:

- ҳаво лайнери ҳаракати жадвалининг ўзгариши сабабини билиш, аниқлаш;
- тизимдаги узлишлар таъминан қанча вақт давом этиши мумкинлигини билиш;
- авиакомпания ходимларига қўлдирилган рейсни бошқа рейсга ўзгартириб беришни сўраб мурожаат этиш;
- чипта пулини ҳеч қандай жараима тўловларисиз қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Кафе ёки ресторанда овқатдан заҳарлансангиз нима қилиш керак?

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ — ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) тўғрисида етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмида қопланишини талаб этишга;

- бузилган ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этишга;
- сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киртирилган қирғинлардан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсонли тўғрисида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.




Чекда сотувчи айтган нархдан бандроқ нарх кўрсатилган бўлса, нима қилиш керак?

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вази ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарур бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.




Кийимларни кимёвий усулда тозалаш (химчистка) дўконида кийимингизга ёки гўзаллик салонидан сизга зарар етказилса...

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда қайтарилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёки шартнома бекор қилиниб, қўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.



Мақолани Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мониторинг бўлими бошлиғи Сураат Ниғмонов маълумотлари асосида "Инсон ва қонун" муҳбири Дилфуза ЭРГАШЕВА тайёрлади.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ



Муллажиринг ортидан қувган "ҚОНУНЧИ"ЛАР

ЯҚИНДА Тошкент вилояти Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судида навбатдаги жиноят иши кўриб чиқилди. Бу жиноят тафсилотларини қисқача баёни куйидагича: Жиноят Шерзод Ҳамроев (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) гуноҳдорлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётган шахс сифатида ушлагандан сўнг бошланган эди. Уни 2016 йил октябр ойининг охирида Тошкент вилоят Бўстонлик туман ИИБ ходими Санжар Беков жиноят устида қўлга олади. Дарҳол ҳаммаси Жўра Воситовга телефон қилиб воқеа жойига чақиради. Кейин бу икки ходим Шерзоддан тушунтириш хати ёзириб олишади. Шерзод марихуана гуноҳдорлик воситасини Тўра Валиевдан олганлигини айтиди. Шундан кейин бу икки ходим "бизга нима қилиб бўлса ҳам тадбир ушатириб беришингиз шарт, Тўрани қўлга туширишимиз керак, бўлмаса ёзиб берган тушунтириш хатингиз орқали сени қаматиб юборамиз", дейишади. Бир сўз билан айтганда, ходимларнинг дўқулмас, таҳдиди Шерзодни уларга ипсиз боғлаб қўяди. Шерзоднинг ёнидан топиладиган марихуанани ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмадан олиб кетишади. Орадан икки-уч кун ўтиб, Шерзодга юкпатилган "вазифа"

эслатилади. Улар учрашишди. Шерзодга "тадбир" учун 100 АҚШ доллари берилади. Топиб келинган "юк" эгаси сўроқ қилинганда, у марихуанани Олим Сатторовдан олганлигини, унга эса Тўра Валиев сотганлигини айтиди. Ўтган сафаргидек, "икки шоввоз" 100 АҚШ доллари эвазига марихуанани асл эгаси ким эканини билиб олади ва яна ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмадан наркотик моддасини олиб кетишади. Орадан озроқ вақт ўтиб яна янги "топшириқ" берилади. Энди бу гапни "ҳужум" Тўра Валиевга қаратилганди. "Тадбир" учун зарур бўлган пулни эса Шерзодга ўзи топиш шарт қўйилади. У иложсиз қолганидан турмуш ўртоғининг тилла буюмларини "Ломбард"га гаров қўйиб, 500 минг сўм олиб "ишни" бажаради. Ҳам марихуанани, ҳам аниқ маълумотни қўлга киритган "шоввоз"лар дарҳол тузиб қўйган режасини амалга оширишга киришади. Тезда Тўра Валиевни "овлагани" унинг уйига боришади. Санжар Тошкент вилояти ИИБ ходими олдини зўр маҳорат билан уйнаб беради. Натияжада, "гонорар" учун 500 АҚШ доллари тўланади.

Навбатдаги "тадбир"да Шерали исмли бола қўлга тушади. Уни олдинда нималар кутаётгани "шоввоз"лар томонидан барча тафсилотларига аниқ тушунтирилади: аввалига тергов, "камқор" тарзидаги эҳтиёт чораси, кейин суд ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси... Буни эшитиб кўриб кетган Шерали "ишни" ёпиш учун 300 АҚШ долларини санаб беради.


Лекин орадан унча кўп вақт ўтмай ёлгон фош бўлади. Тўра Валиевга қўйиб берилган "саҳна асарининг" мисси чиқади. Бундан қаттиқ ранжитик моддасини олиб кетишга тезда қайтариб беришади. Бу воқеага Шерзод айбдор қилинади. Тўра билан бўлган воқеани унга айтиб, бирортасини ушлаб беришга мажбур қилишади. Улардан ҳали-бери қутула олмастлигини сезган Шерзод эҳтиёткорликни унутмаган экан. Ушта кўни суҳбатни телефон диктофонига ёзиб олади. Бу гап қўйилган шарт ўта жиддий эди. Шерзодни ё битта "тадбир" уюштиришга ёки 500 минг сўм пул топиб беришга мажбур қилишади. Ниҳоятда оғир аҳволда қолган Шерзод яна "Ломбард"га тилла тақинчоқларни гаровга қўйиб 250 минг сўм олади ва унга 50 минг қўшиб, 300 минг сўмини Санжар ва Жўрага беради. Эҳтиёт шарт учун яна телефоннинг диктофонига суҳбатни ёзиб олади. Қолган 200 минг сўмини уч-тўрт кунда беришга зўрга кўндиради. Улар эса йўқ жойдан унга яна 100 АҚШ доллар "қарз"ни илби қўйишади. Сабр қосиси тўлган Шерзод Республика ДХХ (аввалги МХХ)га ариза билан мурожаат қилади. Икки ходим Шерзоддан 200 минг сўм пулни пора сифатида олишга вақтда қўлга олинади.

Жиноят ишини адолатли ва ҳолис қўриб чиқишда Жиноят-процессуал кодекси талабларига тўлиқ амал қилинди. Суд жараёнларида Тошкент вилоят Бўстонлик туман ИИБ ходими Санжар Беков ва унинг жинорий шериги Жўра Воситовнинг жиноят содир этганлигидаги айби жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар, инкор қилиб бўлмас далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди. Судланувчиларга қонунда белгиланган жазо тайинланди.

Этибор бериш, судланувчилар ички ишлар ходими. Содда тилда айтганда қонун ҳимоячилари. Жиноятга қарши курашувчиларнинг ўзи жиноят қилиб турса. Аслида қонун-қоида билан инсон бошқаларга қараганда икки қарра масъулиятли бўлиши, лўнда қилиб айтганда, қадамни ўйлаб босиши керак эмасми?

Толибжон ҲАЙДАРОВ, жиноят ишлари бўйича Паркент туман суди раиси

ТИРИК мавжудот дея таъриф этиладиган дарахт — биз нафас олаётган карбонат ангидридни кислородга айлантириб беради, иссиқ кунда эса салқинликни ҳаёти эतोди, баъзи дарахтлар ҳам борки, улар саломатлигимиз учун фойдали. Шунингдек, дарахтлар айрим ҳайвонларнинг яшаш жойи ҳам ҳисобланади.



БИЛАСИЗМИ...?

— Катта ёшдаги битта дарахт бир мавсумда бир йилда ўн киши истеъмол қиладиган миқдорда кислород ишлаб чиқаради.

— Бир дона дарахт бир йилда автотранспорт воситаси 40 000 километр масофани босиб ўтганда чиқарадиган карбонат ангидридни ўзига сингдиради.

— Макулатура сифатида қайта ишланган топширилган 60 килограмм қоғоз битта дарахт ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради.

— 1 гектар майдондаги арча бир кеча-кундузда 30 килограмм бактерияларни бартараф қилувчи учувчан моддаларни ишлаб чиқаради.

— 1 гектар дарахтзор ёки бутазор бир кунда 220-280 килограмм карбонат ангидрид ютади ва 180-220 килограмм кислород ишлаб чиқаради. Дарахтзорлар ҳаводаги чанг миқдорини ҳам камайтиради.

АНТИҚА ДАРАХТЛАР: ЁҒ ДАРАХТИ

Ер юзиде шундай дарахтлар борки, инсониятни ҳам едиради, ҳам ичиради, ҳам қийдиради. Грузияда ўсадиган авокадонни маҳаллий аҳоли "сигир" дарахти, деб аташади. Негаки, унинг меваси тўйимликлик жиҳатидан гўшта тенг бўлса, ҳазм бўлиш даражаси худди сариёғдек. Авокадо мевасининг оғирлиги 50 граммдан 400 граммгача бўлиб, унда жуда кўп витаминлар ва ҳаттоки ёғ ҳам бор.

СУТ ДАРАХТИ

Коста-Рикада, Эквадорда ва Лотин Америкасининг бошқа давлатларида танаси текис, тўғри ва баланд бўйли дарахтларни қўллаб учратиш мумкин. Унинг барглари хонақиллашган фикус (ҳамиша кўм-кўк тирадиган шапалоқ баргли тропик ўсимлик) баргларига ўхшайди. Аммо гап унинг баргларида эмас, мевасида ҳам эмас (чунки унинг

КОЛБАСА ДАРАХТИ

Гана (Африка) аҳолиси дунёнинг бошқа бирор жойида ўсмайдиган дарахтлар билан мақтанашади. У колбасали дарахт бўлиб, номи кигелиядир. Унинг меваси ташқи кўринишидан худди колбасани эслатади. Бу ҳам етмагандек, айнан

НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

меvasини еб бўлмайдими), балки унинг кесиб қўйилган пўстлогидан оқадиган "сут"да. Шунинг учун унча туб аҳоли "сутли дарахт", деб атайдими.

Дарахтдан бир соат ичида бир литр сугир сутга ўхшаш сут олиш мумкин. Лекин у очиқ ҳавода тез қуюқлашади ва таъми аччиқ бўлиб қолади. Қизғин шундаки, дарахт йилнинг хоҳлаган пайтида "сут" бераверади.

ҚОВУН ДАРАХТИ

Сайёраимизда қовун дарахти ҳам мавжуд. Бу жуда тез ўсадиган тропик ўсимлик бўлиб, 60 метр баландликка ўсади. Мевасининг оғирлиги 2 килограммгача тош босади. Ташқи кўриниши ва ички тузилиши худди қовунга ўхшайди. XVI асрда қовун дарахти Панамадан Шарққа олиб келинган. Ҳозир бу дарахт Марказий Америка, Ҳиндистон ва Австралияда ўстирилади.

Интернет материаллари асосида Мирлазиз АКБАРОВ тайёрлади.